Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 29 апрель чоршанба

Сотувда эркин нархда № 86 (1867)

## ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 28 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг навбатдаги саммитида қатнашиш учун Москвага жўнаб кетди.**

МДҲга аъзо мамлакатлар президентларининг Москва учрашуви 29 апрель куни бўлиб ўтади. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга интервью берди. Ислом Каримов мазкур учрашув МДҲнинг келгуси тақдири юзасидан томонларнинг қарашларини ойдинлаштириш учун катта имконият яратажагини айтди.

— МДҲ қандай бўлмоғи лозим экани тўғрисида биз ўз фикримизда доимо собитмиз. Ушбу Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлик мавжуд иқтисодий қийинчиликларни биргаликда бартараф этишга қаратилиши лозим. Афсуски, баъзи сиёсатчилар ушбу ҳамкорликка сиёсий тус бериш, ҳатто, МДҲни сиёсий-ҳарбий тузилмага айлантиришга қаратилган ҳаракатлардан ҳамон фориғ бўла олмаяптилар. Бунинг тагида қандай мақсад ётгани барчага ойдин. Улар собиқ Шўролар иттифоқини қўмсаётган кимсалар. Сир эмаски, айрим давлатларда шундай ғаразли мақсадлар билан турли сўровлар ҳам ўтказилган. Баъзи сиёсатчиларни ўз мамлакати эмас, балки бошқа давлатлар тақдири кўпроқ қизиқтираётгани ажабланарли. Таъкидлаб айтмоқчиманки, бундай сиёсий ташаббуслар билан андармон бўлмасдан, ҳар бир давлат раҳбари ўз мамлакатининг иқтисодиёти, халқининг турмушини яхшилаш ҳақида қайғурмоғи лозим.

Мамлакатимиз раҳбари МДҲнинг келажаги масаланинг ана шу жиҳатларига қандай эътибор қаратилишига боғлиқ эканини айтди. МДҲнинг келгуси тақдири Москва учрашуви кун тартибидан жой олган асосий масалалардан биридир. Шунингдек, мазкур учрашувда томонлар Ҳамдўстликдаги айрим мамлакатларда давом этаётган можароларни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан ўз қарашларини баён этади. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар имзоланади.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Пацев ҳам бор эди.

**(ЎзА)**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Япония иқтисодий ташкилотлари Федерацияси (Кейданрен) раиси, "Тойота Мотор Корпорейшн" корпорацияси раиси Шоичиро Тойода раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мазкур нуфузли делегация таркибида Япониянинг "Мицуи и Ко.Лтд", "Марубени Корпорейшн", "Мицубиси Корпорейшн", "Сумитомо Корпорейшн" ва бошқа йирик компаниялари вакиллари бор. Таъкидлаш жоизки, бу япон йирик бизнесининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билан қараётганидан далолат беради.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, тобора ривож топиб бораётган Ўзбекистон — Япония алоқалари ҳар икки мамлакат манфаатларига бирдек наф келтиришини қайд этди.

— Ушбу ташриф мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳаётида ҳам муҳим воқеадир,— деди Ислом Каримов. — Мазкур делегация таркибида вакиллари бўлган таниқли корпорациялар ва бошқа фирмалар маҳсулотларини Ўзбекистонда ҳам жуда яхши билишади.

"Кейданрен" раиси Шоичиро Тойода қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Айни пайтда "Кейданрен" дунёнинг турли мамлакатлари билан халқаро савдо ва иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини фаол ривожлантираётганини айтди.

Суҳбат чоғида йирик лойиҳаларни сармоялаш, транспорт, йўл коммуникацияси, сайёҳлик индустрияси ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Бош вазир Ўткир Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Умар Исмоилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев ҳамда ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг раиси Рустам Азимов иштирок этди.

Қабул маросимида Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коичи Обата ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти. С. ЗУФАРОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### А.С.АБДУРАҲМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдуғофур Сатторович Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 28 апрель

## ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИДА УЧРАШУВ

28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Тошкент давлат юридик институти талабалари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни мазкур институт ректори, Олий Мажлис депутати Ҳ. Бобоев очди. У ўз кириш сўзида мустақил Ўзбекистонда парламентнинг ўрнини, унинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини, ёшларнинг парламентаризм тарихини чуқур ўрганишлари зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов сўзга чиқди. У талабаларга парламентнинг ташкил топиш принциплари, унинг ваколатлари, қўмиталар ҳамда депутатлар фракцияларининг фаолияти ҳақида батафсил гапириб берди. А. Қосимов Олий Мажлиснинг ҳозирги таркиби 1994 йилда чинакам кўппартиявийлик асосида ўтган биринчи эркин демократик сайловлар якунларига кўра таркиб топганлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек у талабаларга парламентимиз қонунлар яратиш борасида катта ишларни амалга ошираётганлиги, бу эса мустақил давлатнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга, ҳокимият бўғинларини ажратишда конституциявий принципни ривожлантиришга хизмат қилаётганлиги ҳақида сўзлади. А. Қосимов Олий Мажлиснинг бўлажак ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилган масалалар ҳақида батафсил тўхталди, мамлакатни янада ривожлантиришда уларнинг бениҳоя муҳимлигини таъкидлади. У айниқса қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун лойиҳаларининг аҳамиятини, шунингдек «Оила кодекси», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги, бир қатор бошқа қонун лойиҳалари ҳақида алоҳида тўхталди.

Шунингдек, Олий Мажлис депутати, «Рада-Мажлис» гуруҳи раҳбари А. Ғуломмаҳмудов бўлажак ҳуқуқшунослар олдида сўзга чиқди. У «Рада- Мажлис» электрон овоз бериш тизими қурилмаси ҳақида гапириб берди.

Талабаларга халқ вакилларининг ўринларини бир муддат эгаллаш ҳамда «овоз бериш» имконияти яратилди. Йиллар ўтиб, эҳтимол, улардан айримлари Олий Мажлисга депутат сифатида келадилар. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси арафасида парламентнинг янги биносига ёшларнинг ташриф буюриши — бу парламент вакилларининг Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилаётганликларига яна бир ёрқин далилдир.

**АҲМАД ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Фарғонада қомусий аллома Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга пухта тараддуд кўрилмоқда. Айни кунда тантаналар ўтадиган Фарғона шаҳри ва Қува тумани улкан қурилиш, ободончилик майдонига айланган. Бу ерларда кўплаб меъморий, маданий-маърифий иншоотлар қад ростламоқда.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев ва бир гуруҳ комиссия аъзолари Фарғона вилоятида бўлди. Улар дастлаб аллома туғилган юрт — Қува тумани ва қадимги Шаҳристон тепалигида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Сўнгра, тантаналарнинг асосий қисми ўтадиган Фарғона шаҳридаги Аҳмад Фарғоний номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишларини кўздан кечирдилар. Ушбу масканларни ҳақиқий маданият-маърифат ўчоғига айлантириш, унда халқимизнинг бой миллий анъаналарини мужассам этиш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада мутасаддиларга аниқ вазифа ва кўрсатмалар берилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Н. Мўминов қатнашди.

**Р.КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА ТАШРИФ

Япония иқтисодий ташкилотлари Федерацияси "Кейданрен" делегацияси аъзолари Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришда ҳар икки мамлакат уюшма ва компаниялариаро алоқаларни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. "Кейданрен" вакилларининг ушбу ташрифи бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилажаги шубҳасиз.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда замонавий технология муҳим ўрин тутади. Ҳозир Ўзбекистон иқтисодиётининг кўпгина соҳаларида япон технологияси қўлланилаётгани эътиборга молик. Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликда ҳар икки томонга ҳам бирдек манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коичи Обата ҳозир бўлди.

## ҲАМКОРЛИГИМИЗ КЕНГАЯДИ

Япония иқтисодий ташкилотлари Федерацияси (Кейданрен) раиси, "Тойота Мотор Корпорейшн" корпорацияси раиси Шоичиро Тойода бошчилигидаги делегация аъзолари Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлди.

Вазир Э. Ғаниев меҳмонларни Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар билан таништирди. Мустақиллик йиллари давомида яратилган ташқи савдо тузилмалари ҳозир муваффақият билан ишлаётгани таъкидланди.

Учрашувда томонлар ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиришга доир масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Шунингдек, делегация аъзолари Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида ҳам бўлишиб, музокаралар ўтказдилар.

Учрашувларда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коичи Обата ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

## ЖИЗЗАХДА ЁПИҚ СУВ СПОРТИ САРОЙИ ОЧИЛДИ

Жиззах шаҳри марказида бундан ўн йил аввал ёпиқ сув спорти иншооти қурилиши бошланган эди. Бироқ, маблағ масаласи муаммо бўлиб, у ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Вилоят ҳокимлигининг ўтган йил январдаги жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг 1997-2000 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисидаги қарори ва юқоридаги масала бўйича имзоланган қўшимча фармойишидан кейин қурилишда иш юришиб кетди. Қисқа муддатда иншоот битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Сув спорти саройининг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш улкан спорт байрамига айланиб кетди.

Маросимда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев қатнашди.

**Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Уни қўмита раиси А. Аҳадов бошқарди.

Мажлисда сессия муҳокамасига киритиш таклиф этилаётган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари М. Нурмуродовнинг Марказий банкнинг 1997 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Хусусан, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан нақд пул муомаласини барқарорлаштириш юзасидан муайян ишларнинг амалга оширилиши натижасида республикамизда макроиқтисодий вазият барқарорлашди. Инфляция сезиларли даражада қисқарди. Пул массаси ўсишининг ўртача ойлик суръатлари ҳам анча пасайди.

Мажлисда тижорат банклари зиммасига кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш масалаларига жиддий эътибор бериш вазифаси юклатилди. Қўмита мажлисида Марказий банкнинг 1997 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маъқулланди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис депутатлари – қўмита аъзолари, Марказий банк бошқаруви аъзолари, республика тижорат банклари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

* * *

Шунингдек, шу куни Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг ҳам мажлиси бўлди. Уни қўмита раиси Анвар Йўлдошев олиб борди.

Мажлисда қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг XI-сессияси кун тартибига киритиш мўлжалланаётган масалалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Хўжалик юритиш субъектларининг ҳуқуқий шартнома базаси тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини маъқулладилар ва ушбу қонун ҳужжатлари лойиҳаларини сессия муҳокамасига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Мажлисда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева иштирок этди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг мажлисини қўмита раиси Н. Исмоилов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий хўжалик судига янги аъзолар сайланиши эътироф этилди. Шунингдек, қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг XI сессияси кун тартибига киритилган масалаларга доир таклифлар, «Оила кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома – ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳамда Россия билан Ўзбекистон корхоналарининг 1992-1993 йиллардаги кредитлар ва кооперациялашган тарзда маҳсулот етказиб берганлик учун ҳисоб-китоблари билан боғлиқ Олий Мажлис қарори лойиҳаси ва болаларни ўғирлаб бошқа мамлакатларга олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги 1980 йил 25 октябрдаги Гаага Конвенциясига қўшилиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Уларни сессия муҳокамасига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Бугров, Президент ҳузуридаги Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис депутати Й. Назаров иштирок этди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг ҳам мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда дастлаб Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан халқаро шартнома ва битимларни ратификация қилиш масаласи ҳам маъқулланди.

Мажлисда қўмита раиси Э. Воҳидов қўмитанинг сессиядан кейинги фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

Маълумки, депутатлар сессия олдидан жойларга чиқиб, сайловчилар билан учрашиб қайтдилар. Қўмита аъзолари мажлисда ана шу учрашув таассуротлари ҳақида ҳам гапириб бердилар.

Мажлисни қўмита раиси Эркин Воҳидов олиб борди.

* * *

Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисини қўмита раиси ўринбосари Пиримқул Қодиров бошқарди. Унда сессия кун тартибига тавсия этилаётган масалалар ҳақида ахборот берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (янги таҳрирда) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги масалалар ҳақида фикрлашиб олинди ва маъқулланди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳаётдаги жуда катта эҳтиёж боис тайёрланди. Ва унинг тамойиллари Ўзбекистон Конституциясига, Фуқаролик кодексига, «Таълим ҳақидаги қонун»га ва сўнгги йилларда қабул қилинган бошқа кодекс ва қонунларга мувофиқлаштирилди.

Қўмита мажлисида Олий Мажлис Раиси ўринбосари Акмал Қосимов, қўмита аъзолари Тўхтамурод Жўраев, Сайёра Рашидова ва Фаррух Зокировлар сессия кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

– Иқтисодиётимизнинг аграр соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда, қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда, деҳқончилик маданиятини юксалтиришда бугун қўлимизда турган қонунлар лойиҳалари муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз, - деди Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби П. Шаропов мажлисни очар экан. – Дарҳақиқат, «Ер кодекси» лойиҳаси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари мамлакатимиз меҳнаткашлари, айниқса, ушбу соҳа мутахассислари ўртасида жуда кенг ва атрофлича муҳокама қилинди, қўмита улардан юзлаб жўяли таклиф ва мулоҳазалар олди.

(Давоми 2-бетда).

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 1998 йил 30 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Депутатлар 29 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари, шунингдек ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши 29 апрель куни ўтказилади.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси фракциясининг йиғилиши — партия Марказий кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтади. "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси — Тошкент давлат юридик институтининг мажлислар залида, "Ватан тараққиёти" партиясининг фракцияси эса - партия Марказий кенгашининг мажлислар залида йиғилади. Йиғилишлар соат 11 да бошланади.

Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар ўз йиғилишларини Олий Мажлис биносида соат 15 да ўтказадилар.

# «ОИЛА МАРКАЗИ» – МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

**Шу нарса аниқки, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг порлоқ эртаси оилада дунёга келади, шаклланади ва камол топади. Юртбошимиз айтганларидек: «Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир». Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оила фаровонлигини таъминлаш ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимизнинг асл мақсадидир.**

Мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси «Оила» илмий-амалий марказининг мақсади ҳам давлатимизнинг оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳимоя этиш борасидаги сиёсатига ҳамоҳанг бўлиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганиш, оилавий ҳаётга боғлиқ муаммоларни ижтимоий-психологик тадқиқ этиш ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришдан иборатдир.

Мазкур марказда «Оила психологияси», «Оила саломатлигининг тиббий-биологик асослари», «Оила маънавияти», «Демография ва оиланинг ижтимоий-иқтисодий истиқболи асослари», «Оила ва ҳуқуқ асослари» бўлимлари мавжуд бўлиб, ҳар бир бўлим фаолият мазмунига кўра муайян йўналишлардаги вазифаларни бажаришни кўзда тутади.

Марказ мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боради, чет мамлакатларда оила ва жамият муаммолари соҳасида фаолият кўрсатаётган хорижий ва халқаро ташкилотлар билан амалий алоқалар ўрнатади.

Марказ фаолиятида оила ва жамият, оила ва маҳалла муносабатлари билан боғлиқ бой миллий анъаналар, сермазмун миллий қадриятларнинг илдизларини, аждодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш; миллий оилавий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш, оила, аёл ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини акс эттирувчи статистик ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий барқарор, замон талабларига мос оилаларни шакллантириш масалаларини илмий нуқтаи назардан ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом оила – соғлом жамият негизидир. Шу боисдан, унинг саломатлигининг тиббий-биологик асосларини илмий-амалий тадқиқ этиш, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг тадбиқ этиш орқали фуқаролар саломатлигини таъминлашда иштирок этиш марказнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали уларга катта ҳаётга йўлланма бериш оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг асосидир. Уларни оила ва никоҳнинг муқаддаслиги ҳақидаги билим билан қуроллантириш, рўзғоршунослик асосларидан хабардор этиш, оила юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги малака ва кўникмаларини шакллантириш масалаларида илмий-назарий ва методик тавсиялар яратиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш масаласи ҳам марказ фаолиятидан кенг ўрин олган. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш мақсадида эса республикамизда мавжуд никоҳ уйлари ва саломатлик марказлари ҳузурида махсус ўқув-тарбиявий курсларни ташкил этиш ишлари амалга оширилади.

Мамлакатимизда адолатпарвар, демократик жамият қуриш ҳукуматимиз олиб бораётган муҳим ишлардан биридир. Бу ўринда асосий вазифа ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхон бўлишига эришиш, жамиятимизда қонунларнинг устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Оила эса шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг асосий бўғини ҳисобланади. Оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш бўйича илмий-амалий фаолият кўрсатиш, оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, соғлом ўсиши, мактабга тайёрланишида ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш юзасидан ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

Маънавий етук оила – маънавий юксак жамият таянчидир. Оила анъаналари ва қадриятларини ёшлар онгига сингдириш, уларни халқимизнинг, Ватанимизнинг, туғилиб ўсган жойининг тарихи, маданияти, санъати, адабиёти ҳақида чуқур билим билан қуроллантириш маънавий баркамолликни тарбиялашнинг асосидир. Бу масалага илмий-амалий ёндошиш ҳам марказ диққат эътиборидадир. Шунинг учун ёш авлодда маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада баркамол авлодни тарбиялашнинг энг самарали, мақбул усулларини излаш ва ишлаб чиқиш, оила ва жамият муаммоларига ва уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланма, илмий-оммабоп рисолалар яратиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Республика миқёсида оила масалаларига оид тадбирлар дастурининг бажарилиши мониторингини олиб бориш, оила фаровонлиги ва камолоти йўлида қабул қилинган ҳукумат қарорларида белгиланган чора-тадбирларнинг республика миқёсида ҳамда жойларда бажарилишига кўмаклашиш марказ фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази мазкур йўналишлардаги вазифаларни республика миқёсида самарали амалга оширилишини таъминлашни ташкил этиш мақсадида вилоятларда ўз ҳудудий бўлимларини ва оила муаммолари бўйича аҳолига амалий ёрдам берувчи хўжалик ҳисобидаги гуруҳларни ташкил этади. Эксперт гуруҳлари орқали оила муаммоларини ўрганиш юзасидан тайёрланган ўқув-услубий ва бажарилган илмий-тадқиқот ишлари, дастурлари таҳлил қилинади ва баҳоланади. Шу йўсинда марказнинг келгусида қиладиган ишлари аниқлаб олинади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон дунёга юз тутмоқда. Мамлакатимиздаги барча соҳадаги илғор тажрибаларни чет мамлакатларга, улардаги намунали ишларни эса миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кундалик ҳаётимизга олиб киришга муваффақ бўлмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан илмий ходимларнинг малакасини ошириш, чет элларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ташқи фаолиятни амалга ошириш мақсадида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш марказнинг халқаро мавқеини оширишнинг муҳим омилидир.

Шундай қилиб, мамлакатимизда оила муаммоларини илмий-амалий нуқтаи назардан тадқиқ этадиган мазкур марказнинг фаолият йўналишлари серқирра бўлиб, мақсад жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга ўз улушини қўшишдан иборатдир.

**Ойниса МУСУРМОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси «Оила» Илмий-амалий маркази директори, педагогика фанлари доктори, профессор.**

АКС САДО

**Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган дунёвий ислоҳотларнинг асл моҳиятини халқимиз онгига етказишда санъатнинг роли беқиёсдир. Мусиқа ижрочилигининг оммавий турларидан саналмиш эстрада санъатининг бугунги аҳволи ва айрим муаммолари хусусида журналист Норқобил Жалилнинг «Халқ сўзи» (18 март)да босилган «Яллама ёрим»нинг ёши» мақоласини ўқиб кўнглимдан кўп ўйлар ўтди.**

# МИЛЛИЙЛИК МЕЗОНИ



*Бу на гулдир, сурати бор, тийнати бор,*
*Умр бирла ўзбегимнинг санъати бор.*
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.**

Дарвоқе, санъатнинг, айниқса, қўшиқнинг сеҳри, синоати беқиёс, ҳеч бир таърифга сиғмайди. Мадомики шундай экан, миллий эстрадамиз мазмунан соф миллий, шаклан замонавий кўринишга эга бўлиши учун қандай вазифаларни бажаришимиз лозим? Тўғри, ҳамма соҳаларда бўлгани каби бу масаланинг ҳам ижобий ҳал этилиши аввало мутахассислар зиммасидадир. Хўш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган гуруҳларимиз, ижрочиларимизнинг касбий маҳорати, санъаткорлик даражаси халқимизнинг маънавий-мусиқий талабини тўлиқ қондиряптими?

Мамлакатимизда эл назарига тушган ва халқаро кўрик-танловларда иштирок этиб, юртимиз эстрада санъати шарафини ҳимоя этган машҳур қўшиқчиларимиз ва гуруҳларимиз бор. Аммо айни вақтда ўртамиёна, ёки Ғарб ва Яқин Шарқ эстрада ижрочилигига кўр-кўрона тақлид қилиб, мана шу замонавий эстрада намунаси деб мухлисларни чалғитаётган гуруҳлар ва ижрочилар йўқ дейсизми? Эстрада санъатини енгил-елпи, фақатгина маиший соҳага хос бўлган жанр деб билган ижрочилар албатта янглишадилар. Агар жаҳон эстрада санъатининг равнақига эътибор берадиган бўлсак, яратилган асарларнинг кўплари аллақачон классик асар мақомига эга. Аслида ҳар бир мусиқий асар қайси жанрда ижод қилинишидан қатъий назар, ўта халқчил, мазмунан миллий ва замон руҳига мос келадиган даражада бўлиши керак.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бу соҳани янада ривожлантириш учун аввало кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш керак. Тўғри, мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш мақсадида бугунги кунда ўрта ва олий таълим мактаби ташкил этилган. Аммо бошланғич таълим берувчи билим масканлари кам. Агар мусиқа мактаб-интернатлари қошида эстрада синфлари ҳам ташкил этилса, махсус ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлар асосида уларга сабоқ берилса, мутахассислар тайёрлаш тизимида умумий бир бутунлик ҳосил бўлур эди. Ана шунда турли қиёфада ҳаваскорликдан ўсиб чиқаётган қатор гуруҳларни маълум бир мақсад сари йўналтиришнинг йўллари туғиларди. Ўсиб келаётган ёш санъаткорлар халқимиз тарихи, мусиқа мероси, миллий қадриятларимиз ва маънавиятларимизга оид тўлиқ билим ва тушунчалар олиш имкониятига эга бўлур эдилар.

Масаланинг яна бир нозик томони бор. Бу ижодий гуруҳлар ва ижрочилар репертуарларидан ўрин олган асарларнинг мазмунан теранлиги, мантиқан бойлиги ҳамда шакл тузилиш тартибига тегишлидир. Ахир, эслайлик, «Наманганнинг олмаси» ёки Ботир Зокиров ижро этган «Раъно», «Арабча танго» қўшиқларини ҳозир ҳам эшитиб қолсак титраб кетамиз-ку! Нега? Чунки улар ўта халқчил ва миллий эди-да. Мақолада жуда тўғри таъкидланган: бугун қўшиқ ҳам, қўшиқчи ҳам сероб. Афсуски, ҳақиқий халқона руҳдаги қўшиқлар оз. Миллий эстрадага ҳамон енгил муносабатда ёндошилаётгани энг оғриқли масаладир. Яна бир ташвишли манзара, ижрочи ва бастакор ўртасида кўприк йўқ. Ҳаммаси ўзларича йўл излаш билан овора. Оқибатда на матнда, на мусиқада савия, руҳ бор. Аралаш-қуралаш «эгизак» қўшиқлар босиб кетаяпти. Бу албатта, тингловчини бездириб қўяётир.

Тўғри, ҳеч қачон бирон-бир халқнинг санъати ёки адабиёти бошқа миллат ёки элатларнинг маданияти таъсирисиз алоҳида ажралган ҳолда шаклланган эмас. Аммо бу дегани кўр-кўрона бошқа халқлар ижодидаги ўзига хосликларни тўғридан-тўғри татбиқ этиш деганимас-ку! Бу каби санъатимизнинг миллийлигига шикаст етказувчи кўринишларни бартараф этиш учун, ҳамда ёш ижодкорларни халқимиз ва миллатимиз маънавий эҳтиёжини қондира оладиган даражада ижод қилишларини таъминлаш мақсадида энди бадиий кенгашлар фаолиятини бутунлай қайтадан кўриб чиқиш вақти етди. Чунки жуда катта масъулият ва жавобгарлик шу кенгашлар зиммасига тушади. Улар ҳар бир қўшиқ ва мусиқага ҳақиқий мухлис ҳамда профессионал санъаткор талаблари даражасида баҳо бериши шарт. Ана шундагина эстрада ўзининг оҳанги, миллий қиёфасини топади.

Санъат холислик ва ҳалолликни кўтаради. Унга қанча енгил, юзаки ёндошилса, шунча ғариб ва юзаки муносабат шакллана бошлайди. Шу боис ҳам Наврўз байрами арафасида Президентимиз миллий санъат, қолаверса, ўзбек эстрадасининг тақдири хусусида жуда куйинчаклик билан гапирдилар. Ижодкорларимизни янада фаолроқ бўлишга, санъат йўлида фидойилик кўрсатишга чорладилар.

Мени кўпдан бери яна бир муаммо ўйлатади. Бу турли Тошкент шаҳри, вилоятлар ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган овоз ёзиш студиялари ва мусиқий кассеталарни сотувчи шохобчалар ишини мутасадди ташкилотлар тегишли назорат ва кўриклардан ўтказмаётганидир. Кўп ҳолларда ҳеч қандай тавсия ёки рухсатномаларсиз дуч келган хонанда ва гуруҳларнинг қўшиқлари ёзилган кассеталар сотилмоқда. Оқибатини ўзимиз кўриб турибмиз. Қанча савиясиз, маза-матрасиз қўшиқлар тарқалиб кетаётир. Машҳур рус бастакори М.И. Глинка айтганидек, «Мусиқани халқ яратади, биз унга фақат сайқал берамиз». Шунинг учун халқимизнинг ўлмас меросини ўзига асл ҳолича қайтариб берадиган кунларга етдик.

**Одилжон ҚОРАБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси эстрада бошқармаси директори.**

SPORT
СПОРТ

## "ОЛТИН" – ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРДА

Саудия Арабистонида сув полоси бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Миср, Сурия, Саудия Арабистони ва Ўзбекистон командалари иштирок этди. Бу спорт беллашувида мезбонларнинг икки командаси майдонга чиқди.

Ўзбекистон терма командаси биринчи марта мана шундай халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Дастлабки ўйинларда ўзининг барча рақибларини доғда қолдирган ўзбек спортчилари финалда тўққиз марта Африка чемпиони, Атлантадаги ёзги олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндорлари — Миср спортчилари билан учрашдилар.

Муросасиз курашда Ўзбекистон командаси 12:7 ҳисобида ғалаба қозонди. Терма командамизнинг Александр Яшнов, Сергей Шабанов, Раис Ковязин, Олег Коряков, Александр Комаров, Руслан Носиров, Евгений Белов, Руслан Чигатаев ва Константин Захаров каби спортчилари "олтин"ни қўлга киритишда муносиб ҳисса қўшди. Бу ўринда команданинг бош мураббийси Борис Рустамовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Йигитларимиз олдида энди янада катта синов турибди. Энди улар Бангкокда ўтказиладиган Осиё ўйинларининг очиқ чемпионатида иштирок этишади.

## КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Бекободда академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда мамлакатимизнинг 116 кучли спортчиси иштирок этди.

Якка тартибдаги мусобақаларда Наталья Богатова ва Константин Пак энг яхши натижага эришди. "Дарғасиз жуфтлик" тоифасида сузишда Анастасия Орехова билан Зарифа Сесинбоева, Баҳодир Давлатёров билан Владимир Грешченко ғолиб деб топилди.

"Жуфтлик" тоифасида сузишда Наталья Богатова билан Севара Ғаниева, Константин Ни билан Василий Чекменев биринчи бўлишди.

Баҳодир Давлатёров, Владимир Грешченко, Садриддин Ғаниев, Денис Митрофанов, Константин Пак, Темур Ғаниев, Дмитрий Тихонов ва Рифъат Сайдалиев "Дарғали саккизлик" тоифасида ғолиб чиқишди.

Баҳодир Давлатёров, Владимир Гришенко, Темур Ғаниев ва Дмитрий Тихоновдан иборат "Дарғасиз тўртлик" маррага биринчи бўлиб етиб келди.

## СОВРИНЛАР – МЕҲМОНЛАРДА КЕТДИ

Андижонда теннис бўйича "Буюк ипак йўли" халқаро мусобақаси ниҳоясига етди. Унда 20 мамлакатдан таниқли спортчилар иштирок этди.

Саралаш учрашувларидан сўнг финалда белоруссиялик Максим Мирний ва россиялик Артём Дерипаско учрашдилар. Бу яккама-якка олишувда Максим Мирний ғалаба қозонди.

Жуфтлик тартибда эса, ўзбекистонлик Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевич билан белоруссиялик Максим Мирний ва Андрей Волчковлар куч синашди. Бу учрашувда меҳмонларнинг қўли баланд келди.

"Буюк ипак йўли" халқаро мусобақаси ғолибларига қимматбаҳо мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

**(ЎзА)**

## ОБ-ҲАВО

*Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар қилишича, 29 апрелда республикамизнинг барча ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Момақалдироқ вақтида шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метрга етади, кечаси 9-14, кундузи 19-24 даража иссиқ бўлади.*

Қолган вилоятларда ёғингарчилик бўлмайди. Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кечаси 9-14, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Пойтахт вилоятининг тоғли туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин, кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлади.

Фарғона водийсидаги вилоятларда кечаси 8-13, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 10-12, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

**(ЎзА)**

**«РИВОЖЛАНТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

акционерларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акционерларнинг рўйхатини тузиш санаси 1998 йил 31 мартдан 30 апрелга кўчирилганлигини ўз акционерларига маълум қилади.

**Кузатув Кенгаши**

## АЛ-БУХОРИЙ САБОҒИ

Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институтида «Илмий дунёқарашнинг шаклланишида Имом ал-Бухорийнинг тутган ўрни ва роли» мавзуида илмий-назарий конференция бўлди.

Унда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор, Шарқшунослик институти ректори Неъматилла Иброҳимов Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раисининг ўринбосари Абдуғани Абдуллаев Имом ал-Бухорий ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий қарашлари пайдо бўлишининг шарт-шароитлари ва заминлари хусусида гапирди.

Ҳадисларда либос ва ҳижоб масалалари ҳақида Маҳмудхўжа Нуриддинов фикр юритди.

Шунингдек, халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов ва профессор Малик Муродовларнинг маърузаларини ҳам талабалар диққат билан тинглади.

Анжуман охирида бўлиб ўтган савол-жавоблар ҳам ушбу тадбирнинг йиғилганларга Имом ал-Бухорий ҳақида батафсил маълумот берганлигининг белгиси бўлди. Ушбу тадбирни улуғ бобомиз ҳақидаги энг яхши сабоқ деса бўлади.

**А. ЖЎРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




УН, ШАКАР, ЦЕМЕНТ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР УЧУН

Янги универсал

**ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР**

сотилади.

√ Туркиядаги ишлаб чиқарувчи фабрикалардан тўғридан-тўғри келтирилган.
√ Ички целлофан қопламали ҳамда қопламасиз.

DM FIRMA DEMIR

Манзил: 700083, Тошкент ш., Бухоро кўч., 26.
Тел.: 133-06-00, 133-81-48, 132-13-08, 56-12-98, 41-87-73 Факс: 40-65-37

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси нафақадаги катта ўқитувчи

**Абдунаби САГИНТАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 011138, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 23.15 1 2 3 4 5 6